ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик” уйлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4342-сон “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги “Меҳрибонлик” уйлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Мазкур намунавий штатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди;

Намунавий штатлар умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик” уйлари учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан киритилади.

3. Халқ таълими тизимидаги барча умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик” уйларининг директорлари муассасаларнинг амалдаги тасдиқланган штатлар жадвалини ушбу Намунавий штат меъёрларига қатъий амал қилган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва мослаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига муассасаларнинг штатлар жадвалларига меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси маблағлари доирасида 5 фоизгача ўзгартириш киритишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 3-иловага мувофиқ айрим буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйрук Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

7. Мазкур буйрук имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир **Ш. Шерматов**

Тошкент ш.,
2019 йил "28" декабр
406 -сон

Келишилган:

Молия вазири **Д. Кучкаров**

2019 йил "28" декабр

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири **Н. Хусанов**

2019 йил "28" декабр

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига
1-ИЛОВА

Умумий ўрта таълим мактаблари ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблари учун алоҳида лавозимларни киритиш МЕЪЁРЛАРИ

1. Синф комплектлари сони 8 ва ундан ортиқ ёки ўқувчилар сони 240 нафардан ортиқ бўлган бошланғич мактабларда директор лавозими киритилади.

2. Синф комплектлари юқори бўлган умумий ўрта таълим мактаблари ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабларда (кейинги ўринларда Мактаб деб юритилади) директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари қўшимча равишда қуйидаги миқдорларда киритилади:

40-49 синф комплектлари бўлганда 0,5 бирликдан;

50 ва ундан ортиқ синф комплектлари бўлганда 1,0 бирликдан.

3. Ватанпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринбосари – Ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари лавозими мактабдаги мавжуд 10-11-синфлар сонидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда киритилади:

10 тагача синф комплектлари бўлганда 1,0 бирликдан;

11-15 синф комплектлари бўлганда 1,5 бирликдан;

16 ва ундан ортиқ синф комплектлари бўлганда 2,0 бирликдан.

Бунда ушбу лавозим мажбуриятлари таркибига ҳафталик 10 соатгача ушбу фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш киритилади.

4. Психолог лавозими ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда киритилади:

250 нафаргача бўлганда 1,0 бирликдан;

250 нафардан 800 нафаргача бўлганда 1,5 бирликдан;

800 нафардан 1600 нафаргача бўлганда 2,0 бирликдан;

1600 нафардан 3000 нафаргача бўлганда 2,5 бирликдан;

3000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда 3,0 бирликдан.

5. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларида ҳамда бундай синфлари сони камида 50 фоизни ташкил этадиган мактабларда қўшимча равишда директорнинг ихтисослаштирилган фанлар бўйича ўринбосари лавозими киритилади.

6. Мактабларда (туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати томонидан молиялаштирилмайдиган муассасалар учун) ҳисобчи лавозими ўқувчилар контингентига қараб қуйидагича белгиланади:

400 нафаргача бўлганда 1,0 бирлик бош ҳисобчи;

401 дан 880 нафаргача бўлганда 1,0 бирлик бош ҳисобчи, 0,5 бирлик ҳисобчи;

880 нафардан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик бош ҳисобчи, 1,0 бирлик ҳисобчи.

7. Мактабда жиҳозланган физика ёки кимё хоналари мавжуд бўлганда, лаборант лавозими юқори синф комплектлари сонига қараб қуйидаги миқдорларда киритилади:

(И. Сафаев) (А. Эшанов)

1-9 синф комплектлари бўлганда 0,5 бирлик;

10-16 синф комплектлари бўлганда 1,0 бирлик;

17-23 синф комплектлари бўлганда 1,5 бирлик;

24 ва ундан ортиқ синф комплектлари бўлганда 2,0 бирлик.

8. Уй-жой коммунал хўжалик тизимига ўтказилмаган мактабларда иситиш мавсумида (5 ой) ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун 2,0 бирликдан, табиий газ ёқилғиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхоналарда (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлари билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса 1,0 бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса, 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситиладиган мактабларда ҳар 5 дона печ учун 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда (лекин муассаса учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

Бундан ташқари, печка орқали иситиладиган, иссиқ сув билан доимий таъминланиб туриладиган мактаблар учун юқоридаги 1,0 бирлик ўт ёқувчи лавозимларидан биттаси бутун йил давомига киритилади.

9. Жиҳозланган гардероб мавжуд бўлганда гардеробчи лавозими (мавсумий) киритилади. Мактабда машғулотлар иккинчи сменада ҳам олиб борилганда ёки мактабда узайтирилган кун гуруҳи мавжуд бўлганда, ҳар бир гардероб учун қўшимча 0,5 бирлик ҳисобидан гардеробчи лавозими (мавсумий) белгиланади. Муассасада гардеробчи лавозимларининг умумий сони 3,0 бирликдан ошмаслиги лозим.

10. Мактабнинг узайтирилган кун гуруҳи тарбиячиси лавозими машғулотлар давомийлигига қараб, бир ҳафтадаги 30 соат учун (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларида амалдаги тартиб бўйича) 1,0 бирлик ҳисобидан киритилади. Ушбу лавозимни сақлаш харажатлари учун бюджет маблағларини ажратиш узайтирилган кун гуруҳига имтиёзли равишда қатновчилар ва пуллик қатновчилар сонининг улушига мутаносиб равишда амалга оширилади.

11. Биноларнинг фойдаланиладиган ички қисми, шу жумладан хизмат хоналари, йўлаклар, зинапоялар, фаоллар зали ва спорт зал ҳамда ўқув синфлари майдонини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 350 кв.м. тозалаш майдони учун 0,5 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади. Бироқ, мактабда 0,5 бирликдан кам бўлмаган миқдорда киритилади.

Мактабда машғулотлар иккинчи сменада ҳам олиб борилганда, ушбу сменадаги ўқувчилар фойдаланадиган ҳар 350 кв.м. тозаланадиган майдон учун қўшимча 0,25 бирлик, узайтирилган кун гуруҳи мавжуд бўлганда эса, гуруҳга қатновчилар фойдаланадиган ҳар 350 кв.м. тозаланадиган майдонга 0,5 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда фаррош лавозими киритилади.

12. Мактабнинг қоплама тўшалган (асфальт, бетон, брусчатка) ҳамда спорт майдонларининг ҳар 2500 кв.м. майдони учун 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан (мутаносиб) ҳолда ҳовли супурувчи лавозими (таълим муассасада 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

13. Мактабнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган 0,5 га дан 2,0 га гача майдони учун 1,0 бирлик, кейинги ҳар 2,0 га майдон учун 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда боғбон лавозими киритилади. Мактабнинг ижарага берган майдони бундан мустасно.

(И. Сирожиев) (А. Эшонов)

14. Мактабни қўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда алоҳида жойлашган ҳар бир бино учун 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда, мактаб ҳудудидан ташқарида жойлашган бинолар учун ҳам алоҳида 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади.

15. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг таъмирлаш-эксплуатация бўлими томонидан хизмат кўрсатилмайдиган узоқ ҳудудларда жойлашган, бориш қийин бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида биноларга хизмат кўрсатувчи ва комплекс таъмирлаш бўйича ишчилар лавозимлари қуйидагича белгиланади

ҳар 500 ёритиш нуқталари (выключатель, розетка ва короба) (таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) учун 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ таълим муассасасида 0,5 бирликдан кам бўлмаган миқдорда электромонтёр лавозими;

сув қувурлари, канализация тизими ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2000 кв.м фойдали майдон учун 1,0 бирлиги ҳисобидан келиб чиққан (мутаносиб) ҳолда, бироқ таълим муассасасида 0,5 бирликдан кам бўлмаган миқдорда чилангар-сантехник лавозими.

16. Мактабда ўқувчилар сони 500 нафардан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик бинони таъмирлаш ва комплекс хизмат кўрсатиш бўйича ишчи лавозими киритилади.

17. Мактаб директори иш куни давомидаги иш юкламасини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишчиларнинг иш ҳажми ва хусусиятини белгилайди.

18. Умумтаълим муассасаларидаги узайтирилган кун гуруҳлари учун хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимлар қўшимча штатлари зарур ҳолларда мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ ва мактабнинг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар доирасида киритилади.

19. Кўзи ожиз ўқитувчилар дарс берадиган мактабда ҳар 2 нафар кўзи ожиз ўқитувчи учун 1,0 бирлик таржимон-котиба лавозими киритилади. Мактабда 1 нафар кўзи ожиз ўқитувчи ишлаган ҳолларда 1,0 бирлик таржимон-котиба лавозими киритилади.

20. Мактабда юк транспорти, автобус, микроавтобус ёки автомобиль мавжуд бўлган ҳар бир соз автотранспорт воситаси учун 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади.

21. Умумий ўрта таълим мактаблари ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабларининг Намунавий штатлари ҳамда бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларига ҳам татбиқ этилади.

Шунингдек, ушбу таълим муассасаларга қўшимча равишда тиббиёт ҳамшираси 1,0 бирлик, айнан мазкур муассаса ошхонасида таом тайёрлаш шарти билан 1,0 бирлик ошпаз лавозими, 1,0 бирлик омборчи, 1,0 бирлик ёрдамчи ишчи лавозимлари киритилади. Агар улардаги синфлар сони 9 тадан ортиқ бўлганда ошпаз лавозими 2,0 бирлик киритилади.

22. Мактабда ҳукумат томонидан ташкил этилган (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) музейлар мавжуд бўлганда 1,0 бирлик музей кузатувчиси лавозими киритилади.

23. Штат жадвалини тузишда йилнинг 1 январь ҳолатидаги мавжуд ўқувчилар ва синфлар сони ҳисобга олинади. Бунда, йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ўқувчилар ва синфлар сони ўзгариши билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

24. Мактабнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тегишли лавозим бирликлари киритилиши мумкин.

(И. Сирожиев) (А. Эшонов)